

ВАТАННИ СЕВМОҚ ИЙМОНДАНДИР!

Абдурахмонов Абдурахмон Турдиматович

Фаргона вилояти, Олтиариқ тумани

9-умумий ўрта таълим мактаби

бошланғич синф ўқитувчиси.

Тожалиев Шермухаммад Бахриддин ўғли

ФарДУ Харбий таълим факультети

2-босқич 22/125 гуруҳ курсанти.

Янги Ўзбекистонда ёш авлодни жисмоний ва маънавий соғлом, она Ватанга фидойи ва жонкуяр инсонлар бўлиб улгайиши, шонли тарихимиздан ибрат олиб, ундан фахрланиб яшашилари учун барча куч ва имкониятимизни тўлиқ, сафарбар этамиз.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистан Республикаси Президенти

Аннотация: *Ватан - Одам алайҳ иссалом биринчи қадам қўйган тупроқ, зурриётлари то қиёматга қадар истиқомат қилувчи мўътабар замин.*

Ватан - нафақат инсон, балки бутун мавжудот - тирик жон учун ўзига хос қўним топадиган маскан. Ватан - дин, миллат, элат, бойлик, насаб, ёш, ранг, жой танламайдиган, чегараси кўринмас ажиб бир туйғу. Ватан - энг кўп қаламга олинган, сир-синоатли, серқирра, сер-жило гўша. Ватани бор инсон, бахтли инсондир. Ватани йўқ инсон эса, бахтсиз инсондир.

Ким Ватан тушунчасини яхши англаб етмас экан, унинг бағрида яшашидан маъно йўқдир. Шунга кўра, Ватанни билмаган кас, (яъни киши) таъбир жоиз бўлса, ҳайвондан ҳам, паррандадан ҳам, ҳашаротдан ҳам тубан ҳисобланар экан. Ватан яхши ва ёмон кунларни хотирага мухрловчи, инсоннинг қадр-қимматини ўлчаб берувчи ҳаёт мактабидир.

Калит сўзлар: *Ватан, ҳимоя қилиш, бахтли инсондир, тугилиб ўсган уйи, Ватанига муҳаббат.*

Ватан хақида гапирилганда энг аввало, ушбу ибора кулоқларимизга жарангдор эшитилади. Ҳар бир инсон ўзи туғулиб ўсган, киндик қони тўкилган жойи-маконини севади, асрайди, у ердан узоқлашса, ватанини ва яқинларини соғинади ва уни ҳар қандай хуружлардан ҳимоя қилади.

Ўрни келганда қизғонади ҳам. Буларнинг барчаси замирида "ватан", ва "ватанга муҳаббат" деган муқаддас тушунчалар ётади.

Ватан меҳри аввало, инсоннинг ўз оиласи, уйи, маҳалласи ҳамда туғилиб ўсган юртига меҳр-муҳаббатидир. Бошқача айтганда, уларнинг барчаси инсон туғилиб ўсган уйи, маҳалласи, қишлоғи, бир сўз билан айтганда Ватан деган тушунчада мужассамлашган. У кенг маънода бирор халқ вакиллари жамулжам яшаб турган, уларнинг аждодлари азал-азалдан истиқомат қилган худудни англатади. Тор маънода киши туғилиб ўсган уй, маҳалла, қишлоқ назарда тутилади.

Расулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васаллмни ватанга бўлган севгилари жуда ҳам кучли эди. Варақ ибн Навфал (р.а) Расулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васаллмга қавмлари У зот соллоллоҳу алайҳи васаллмни ёлғончига чиқаришларини айтганларида ҳам Расулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васаллм Варақа ибн Навфал (р.а)га бирор нарса демадилар. Кейин яна Варақа ибн Навфал (р.а) Ҳали қавмингиз сизга азийятлар еткизади деганларида ҳам Расулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васаллм Варақа ибн Навфал (р.а)га бирор сўз демадилар. Сўнгра Варақа ибн Навфал (р.а) Расулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васаллмга ҳали қавмингиз сизни ватанингиздан ҳам чиқарадилар деганда Расулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васаллм улар мани ҳали ватандан чиқарувчилар ҳамми, дедилар. Бу ҳадис ватан севгисига ва инсон учун ватандан ажралиш шиддатили эканлигига далилдир. Шу боис Расулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васаллм “Ватанни севмоқ иймондандир” деб марҳамат қилганлар.

Қуръони Кармида ва ҳадиси шарифларда ватан калимаси бир кишининг туғулиб вояга етган яшашага қарор қилгани ва соғингани бир масканга нисбатан ишлатилади. Фикҳий китобларда кишининг туғулиб ўсган ва уйланиб яшаган жойига нисбатан “Ватани аслий” кишининг ўн беш кундан ортиқ туриш ила отланган диёрларига “ватани иқомат”, кишининг ўн беш кундан оз қоладиган жойига нисбатан “ватани сукунат” дейилади.

Жоҳизий ўзларининг ватан севгиси ҳақида ёзган “Ал-Ҳонин Илал –Автан” номлик асарларида ватан севгисини фитрий бир ҳис эканини таъкидлайдилар. “Ватанда дард алам чекмагинг ғурбатга мўллик ичида яшамоқдан аълодир” сўзини нақл этарканлар Қуръони Каримнинг Нисо сурасини 66-оятини келтирадилар.

“Агар Биз уларга “Ўзингизни ўлдириш ёки ўзингизни диёрларингиздан чиқаринг “деб фарз қилганимизда . озгиналаридан бошқаси буни қилмас эдилар.” Маолидаги оят-и каримада жон севгиси ила ватан севгисини Муставий (тенг) тутилганини айтадилар. Бақара сурасининг 246- оятидаги

“Бизга нима бўлибдики диёримиздан ва фарзандларимиздан жудо қилинса ҳам Аллоҳнинг йўлида урушмасак” Мусулмонларнинг юртларидан ҳайдалиб фарзандларидан жудо бўлишларини урушни сабаларидан санаганлари бу ояти керимани ҳам ватан севгисининг фитрий (туғулишдан келган) эканлигига далил қилиб келтирадилар. Ҳазрати умар “Аллоҳ шаҳарларни ватан севгиси сабабидан маъмур қилди” деганлар.

Ватан севгиси юракларни ўртаган энг нозик севгидир. Динимизда ҳам албатта унинг ўрни бошқачадир. Пайғамбаримиз соллоллоҳу алайҳи васаллам ҳижрат асносида Маккадан чиқар эканлар, “Ҳазарамавт” дейиладиган жойга борганларида тўхтадилар. Туғилиб ўсган, болалик даврларидан бери яшаган ерлари бўлмиш муқаддас шаҳар Маккага сўнги бор маҳзунлик ила бокдилар. Ва муборак дудокларидан ушбу сўзлар тўкилди. “Валлоҳи сен Аллоҳ таолонинг яратган ерларининг энг хайрлисисан. Аллоҳ таоло ҳузурида ҳам суюклисан. Менга сендан суюкли ва хайирли сендан гўзал юрт йўқдир. Чиқишликка зўрланмасайдим сендан асло айрилмас, сендан бошқа ерда юрту маскан тутмасдим”

Устида мингларча шаҳидлар қони тўкилган, ичида мингларча маъсумлар яшаган ватанимиз шубҳасиз бизнинг кўз нуримиз, бош тожимиздир. Ичида мингларча ёш болалар эркагу аёл ёши кексалар, ҳасталар маъсум инсонлар бўган тупроқларни душман истилосидан қутқармак учун ҳаракат қилмоқ бунинг учун аскарлик таълимини олмоқ, чегараларда юртимиз сарҳадалрида навбатчилик қилмоқ, ички ва ташқи хавф хатарларни йўқ қилмоқ учун астойидил меҳнат қилмоқ энг юксак ахлоқий фазилатларнинг намунаси, ва ҳар бир ватан авлодининг муқадас бурчи ҳисобланиши лозим. Динимиз шу сабабдан бир мусулмоннинг ватан учун ўлмоғи ила дин учун Аллоҳ учун ўлмоғини бир санагандир. Ва ватан учун ўлган кимсага муқаддас динимиз таълимотларига кўра шаҳидлик рутбаси берилур.

Оддийгина қушга, ақлдан мосуво ҳайвонга ёки хонадонимизда учраб турадиган паррандаларга қарайлик. Булардан ўзимиз учун ибрат-намуна олишимиз мумкин. Масалан, қуш ўз инини қанчалар кўриклашини, оддийгина мисол тариқасида йилда бир мартагина уйимизда меҳмон бўладиган қалдирғочнинг мисолида, ёки булбул учун тиканзордан кўра хуш бўладиган қафас йўқлиги ҳақиқат. Бобомиз А.Навоийнинг қуйидаги ғазали нақадар ўринли айтилган:

Гурбатда, ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқ-у, меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтин қафас ичра гар, қизил гул битса,

Булбулга тикандек ошиён бўлмас эмиш.

Ватанни ким севади деган саволга иккиланмай “иймони комил инсон”, дея жавоб берилса ажабланилмайди. Зеро, “иймон”, “ватан”, “ор-номус” каби муқаддас тушунчалар юксак маънавиятли халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Бир инсонни ўз ватанидан бадарға қилиш, мажбурлаб чиқариб юбориш оғир гуноҳлиги муқаддас китобларда таъкидланади. Ватанни ҳимоя қилиш нақадар улуғ савоб ҳисобланса, унга хиёнат қилиш, қурол билан бостириб кириш шу қадар катта гуноҳ, энг олий жазога лойиқ жиноят ҳисобланади.

Ҳазрати Али ибн Абу Толиб р.а: “Ватанни севиш туфайли дунё обод бўлган”, деганлар.

Улғайиб вояга етган заминга меҳрли бўлиш, унинг ҳар бир ҳовуч тупроғини муқаддас деб билиш, кўзга тўтиёдек суртиш, бир умр фарзандлик садоқати билан яшаш ҳар бир инсон учун ҳам фарз, ҳам қарз ҳисобланади. Ватанни севиш ҳисси инсонда туғма бўлса ҳам, албатта уни ривожлантириш ва тарбия қилиш лозим. Яъни, ватанга бўлган муҳаббат тарбиялангандагина Ватанпарварлик деб аталган улкан туйғуга айланади. Шу боис ота-оналар фарзандлар қалбига ватанпарварлик туйғусини жойламоқлари лозим.

Бутун мусулмон оламига диний билимларни ўргатиб келган Имом Бухорий, Имом Термизий, Абу Лайс Самарқандий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий, Қафқол Шоший каби буюк боболаримиз ҳам Ватанга бўлган кучли муҳаббатлари туфайли ўзларининг таҳаллусларини киндик қонлари тўкилган юрт номи билан боғлаганлари ҳам ана шундай эътироф ва эътиборнинг ўзига хос амалий ифодаси ҳисобланади.

Киши ўз олдига албатта маълум мақсадларни қўйиб яшайди. Унга эришиш йўлида ҳар ким турлича йўллари қўллайди. Аммо азизларимиз, алломаларимиз эса бунга ҳам маслаҳат берганлар ва керакли бўлган йўллари тавсия қилиб кетганлар. Саъдий Шерозий ўзининг қуйидаги мисралари билан бу борада катта намуна бўлганлар.

Яхшилик кетидан агар чопарсан,

Истагинг, бахтингни шунда топарсан.

Буюк шоир ва саркарда, давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ҳам Ватанни қадрини англашга ёрқин мисол бўла олади. Ўз даврининг йирик ва қудратли давлатларидан бири – Ҳиндистондек мамлакат ҳукмдори бўла туриб, бир умр Андижонни, сўлим Фарғонани, бобокалонларидан мерос Самарқандни қўмсаб ўтади, ижодининг салмоқли қисмида Ватан соғинчи иси уфуриб туради.

Мусулмон киши Аллоҳ таоло уни Ер юзини обод қилиши учун ўзига ўринбосар қилиб қўйганини ҳис қилганида Ватанига муҳаббат қўяди ва ер юзини обод қилиш унинг бурчи эканини яхши билади. Зеро, Қуръони Каримда : “...У сизларни ердан пайдо қилиб сизларни уни обод этувчи этди”. (Худ сураси 61-оят) Ушбу ояти каримадан шу нарсани билиш мумкинки, ҳар бир инсон бу дунёга келган экан, ўзининг она тупроғини обод қилиши лозим.

Аллоҳ ўзи севган бандаларига амрига итоат қилиш неъматини беради. Мана шу берилган неъматларга шукрона келтириб, юртимиз равнақиға ҳисса қўшиб яшашлик барчамизга насиб этсин.

Ватанни ҳимоя қилиш нақадар улуғ савоб ҳисобланса, унга хиёнат қилиш, қурол билан бостириб кириш шу қадар катта гуноҳ, энг олий жазоға лойиқ жинойт ҳисобланади.

Ҳар бир инсон ўз ватани, оиласи ва халқини кўз қорачиғидек асраб-авайлаши лозим. Аксинча, ватанига хиёнат қилиш, ота-онаси, фарзандлари ва халқининг қадрига етмаслик, уларни ўйламаслик ёки уларға қарши қурол кўтариш исломдаги энг оғир гуноҳ ва жинойтдир. Бу нарса инсонийлик мезонига ҳам тўғри келмайди. Зеро, инсон ўз Ватанининг равнақи учун фидойилик кўрсатиши, бу йўлда керак бўлса, жонини ҳам бериши лозим бўлади.

Шу ўринда Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламға меванинг авали келтирилар эди. Шунда у зот: «Эй Аллоҳим бизнинг шаҳримизға, мевамизға, муддимизға ва соъимизға барака устиға барака бер» деб дуо қилар эдилар. Сўнгра уни ҳозир бўлган болаларнинг энг ёшиға берар эдилар.

Ватанпарварлик туйғуси билан яшаш, фаровон кунларимизнинг қадрига етиш, уни асраб- авайлаш зиммамиздаги улкан масъулиятдир.

Мулоҳазаларимизнинг интиҳоси ўлароқ, ватанға бўлган муҳаббатни янада ошириш, унга бўлган садоқатни мустаҳкамлаш, халқнинг эртаси учун қайғурадиган ёшларни тарбиялашда, ватан сарҳадларини ҳимоя қилишда Аллоҳ таолодан барчамиз учун мадад сўраймиз!

Хулоса қилиб айтганимизда: Аллоҳ талолодан юртға тинчлик – омонлик сўраш, мева-чевалар, анвойи неъматлар- ризқини зиёда қилишни ҳамда хирмонға барака беришни сўраш илоҳий таълимот, пайғамбарлар суннатидир!.



Фойдаланилган адабиётлар:

«Янги Ўзбекистон Стратегияси» номли китоби

1. Газета.uz 2021 йил Муаллиф: Шавкат Мирзиёев

2. «Хадис ва ҳаёт» Хилол нашрети 2016 йил. Муаллиф: Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф.

3. «Ислонда Ватан тушунчаси» Нашриёт: "Shamsuddinxon Boboqonov" 2022 йил

Муаллиф: Нуриддин домла Холиқназаров

4. «Muslim.uz» веб-сайти мақолалар. Сатр қатидаги хазина А.Навоий рубойиси.